



iScienceTM

АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

Выпуск 7(27)

Часть 1

Переяслав-Хмельницкий
2018



АКТУАЛЬНЫЕ ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ

XXVII Международная научная конференция
26-27 июля 2018 г.

СБОРНИК НАУЧНЫХ ТРУДОВ

ВЫПУСК 7(27)

Часть 1

Переяслав-Хмельницкий

УДК 001 (082)

ББК 72я43

A43

Главный редактор:

Коцур В.П., доктор исторических наук, профессор, академик Национальной академии педагогических наук Украины

Редакционная:

Базалук О.А.	д-р филос. наук, профессор (Украина)
Доброскок И.И.	д-р пед. наук, профессор (Украина)
Кабакбаев С.Ж.	д-р физ.-мат. наук, профессор (Казахстан)
Мусабаева Г.Т.	д-р пед. наук, профессор (Казахстан)
Смирнов И.Г.	д-р геогр. наук, профессор (Украина)
Исак О.В.	д-р социол. наук (Молдова)
Лю Винция	д-р искусствоведения (ОНР)
Тамулат В.Н.	д-р ист. наук (Молдова)
Брынза С.М.	д-р юрид. наук, профессор (Молдова)
Мартынюк Т.В.	д-р искусствоведения (Украина)
Тихон А.С.	д-р мед. наук, доцент (Молдова)
Горашенко А.Ю.	д-р пед. наук, доцент (Молдова)
Алиева-Кангарли Г.Т.	д-р филос. наук, профессор (Азербайджан)
Айдосов А.А.	д-р техн. наук, профессор (Казахстан)
Лозова Т.М.	д-р техн. наук, профессор (Украина)
Сидоренко О.В.	д-р техн. наук, профессор (Украина)
Егмазарян А.К.	д-р пед. наук, профессор (Армения)
Алиев З.Г.	д-р аграрных наук, профессор, академик (Азербайджан)
Партоев К.	д-р с.-х. наук, профессор (Таджикистан)
Цибулько Л.Г.	д-р пед. наук, доцент, профессор (Украина)
Баймухамедов М.Ф.	д-р техн. наук, профессор (Казахстан)
Хеладзе Н.Д.	канд. хим. наук (Грузия)
Таласпаева Ж.С.	канд. филос. наук, профессор (Казахстан)
Чернов В.Ф.	канд. пед. наук, профессор (Украина)
Мартынюк А.К.	канд. искусствоведения (Украина)
Воловик Л.М.	канд. геогр. наук (Украина)
Ковальська К.В.	канд. ист. наук (Украина)
Амрахов В.Т.	канд. экон. наук, доцент (Азербайджан)
Мертчан К.Г.	канд. техн. наук, доцент (Армения)
Стати В.А.	канд. юрид. наук, доцент (Молдова)
Цибулько Г.Я.	канд. пед. наук, доцент (Украина)

Актуальные вызовы современной науки // Сб. научных трудов - Переяслав-Хмельницкий, 2018. - Вып. 7(27), ч. 1 – 114 с.

Языки издания: украинська, русский, english, deutsche, español, polski, беларуская, қазақша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերեն

Сборник предназначен для научных работников и преподавателей высших учебных заведений. Может использоваться в учебном процессе, в том числе в процессе обучения аспирантов, подготовки магистров и бакалавров в целях углубленного рассмотрения соответствующих проблем. Все статьи сборника прошли рецензирование, сохраняют авторскую редакцию, всю ответственность за содержание несут авторы.

УДК 001 (082)

ББК 72я43

A43

СОДЕРЖАНИЕ**СЕКЦИЯ: АРХИТЕКТУРА**

Камалова Дильноза Зайнидиновна, Самиева Нафиса Алишеровна (Самарканд, Узбекистан) ОСКАР НИМЕЙЕР: ЛЕГЕНДА СОВРЕМЕННОСТИ.....	6
Камалова Дильноза Зайнидиновна, Самиева Нафиса Алишеровна (Самарканд, Узбекистан) СВЕТОВАЯ АРХИТЕКТУРА - КАК НОВОЕ НАПРАВЛЕНИЕ В ГРАДОСТРОИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЗБЕКИСТАНА.....	8

СЕКЦИЯ: БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

Мухаметзянов Марат Захыдович (Казань, Россия) ЛАНДШАФТНО-ПРЕОБРАЗУЮЩАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ БОБРА И ВЛИЯНИЕ НА СРЕДУ.....	13
---	----

СЕКЦИЯ: ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

Назиров Бахтиёр Сафарович (Денау, Узбекистан) НАРКОТИК ВОСИТАЛАР ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАР КОНТРАБАНДАСИГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК	16
---	----

СЕКЦИЯ: МЕДИЦИНСКИЕ НАУКИ

Бекметова Шахло Кадамовна, Джуманиязов Рустам Адилбекович, Ибрагимова Шахноза Рамз кизи (Ургенч, Узбекистан) ФАКТОРЫ РИСКА РЕПРОДУКТИВНОГО ЗДОРОВЬЯ ДЕВОЧЕК-ПОДРОСТКОВ.....	20
--	----

СЕКЦИЯ: МЕНЕДЖМЕНТ И МАРКЕТИНГ

Атамуратов Мурат Утепбергенович (Ташкент, Узбекистан) ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ РЕКРУТИНГА И СОВРЕМЕННЫХ СПОСОБОВ ОТБОРА КАДРОВ В ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ.....	23
--	----

СЕКЦИЯ: СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО

Қаландаров Умарбек Самандарович, Аллаберганов Наврузбек Аллаберганович, Еқубова Онахон Шоназар кизи (Урганч, Ўзбекистон) ГАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ЁРДАМИДА ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК КАРТАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ТУЗИШ	27
Мирзаев Анвар Абдисаидович, Обидова Дилноза (Самарканд, Ўзбекистон) ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МОНИТОРИНГ ЎТКАЗИШДА УЧУВЧИСИЗ ҚУРИЛМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ.....	34

СЕКЦИЯ: НАУКИ О ЗЕМЛЕ

Мирзаев Анвар Абдисаидович, Хамдамов Маъруфжон Сайфулло ўгли (Самарканд, Ўзбекистон) УЧУВЧИСИЗ УЧУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР БИЛАН АЭРОФОТОСЪЁМКАНИ БАЖАРИШ УЧУН РАҚАМЛИ ФОТОКАМЕРАЛАРНИ ТАНЛАШ.....	38
---	----

СЕКЦИЯ: ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

Назирова Бахтиёр Сафарович
(Денау, Узбекистан)

НАРКОТИК ВОСИТАЛАР ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАР КОНТРАБАНДАСИГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб наркотик моддаларни тиббий бўлмаган мақсадларда истеъмол қилувчилар сони муттасил ортиб бормоқда. Бу кўпчилик одамларни ноҳуд қилиш билан бирга (одатда ёшларни) ОИТС нинг тарқалишига, наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг ҳам кўпайишига олиб келмоқда. Афсуски, гиёҳвандларнинг ўртача ёши йилдан-йилга ёшармоқда, бу эса келажак авлод ҳақида алоҳида қайғуришни тақазо этади. Ер юзидagi барча онгли кишилар наркотик моддалар айланиши ва савдосига қарши, шунингдек, бошқаларнинг азоб-уқубатлари орқасидан пул ишлайдиганларга қарши барча саъй ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарурлигини алпақачон тушуниб етган.

Юртбошимиз таъкидлашича, "ушбу жиноий бизнес яратиб берадиган жуда катта бойлик ортириш имкониятлари унинг иштирокчиларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам, миллий қонунлар мажмуи билан ҳам, айниқса, "оқ ажал"нинг ҳалокатли оқибатлари ҳам ҳисобдашмай ҳамма ишни қилишга мажбур этмоқда".

Замонавий гиёҳванд моддаларнинг савдоси билан шуғулланадиган "карчалон"лар давлатлар чегараларини кесиб, бир мамлакатдан бошқасига бемалол ўтадилар, халқаро террорчилар ва бошқа жиноятчилар билан яқиндан ҳамкорлик қиладилар. Улар наркотик воситаларнинг ноқонуний айланмасидан жуда катта пул ишлайдилар, шу боис кўпгина мамлакатларда давлат идораларидаги мансабдор шахсларни пора билан сийлайдилар, улар эса савдогарлар фаолиятига бармоқ ортидан қарайди ёки унда ўзи ҳам иштирок этади. Шу боис мазкур масала бўйича ҳуқуқ тартибот органларининг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳамкорликнинг бундай кўринишида Интерпол (Халқаро жиноий полиция ташкилоти) наркобизнесга қарши курашишнинг умумий стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқувчи ягона жаҳон маркази сифатида майдонга чиқади. Интерпол бу борада энг муҳим жиҳат – қудратли ахборот манбасини ўзида мужассам этиб, уни зарур ҳолларда аъзо мамлакатларнинг ҳуқуқ тартибот идораларига етказиб беради.

Интерполда наркотик воситалар масалалари бўйича махсус бўлим ташкил этилган бўлиб, ушбу бўлим наркотик моддалар савдогарлари фаолиятининг олдини олиш ёки уларни фош этиш, турли мамлакатлардан наркосавдогарлар ва курьерлар ҳақида келиб тушаётган ахборотни синчиклаб таҳлил этиш, наркотик воситалар ва психотроп моддаларни мусодара қилиш, уларни ташишнинг янги йўналишлари ва мосламаларини фош қилиш, халқаро наркотик моддалар савдосига қарши кураш бўйича махсус бўлимларда ишлайдиган турли мамлакатлар мутахассисларини ўқитиш, малакасини ошириш, бошқа халқаро ва маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш

орқали тегишли миллий органларга наркотик моддалар савдосига қарши курашишида ёрдам беради. Бу йўналишда қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, аммо Интерпол учун уларнинг орасида энг асосийси – БМТнинг “Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича Конвенцияси” (Вена, 1988 йил 19 декабр) ҳисобланади. Маъкур ҳужжатни имзолаган давлатлар наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига алоқадор жиноятлар бўйича тергов ишларида, жиноий таъқибда ва суд ишида бир-бирига ҳар қандай юридик ёрдам кўрсатиши шарт.

Конвенцияга асосан кўрсатиладиган ўзаро ёрдам қўйидаги мақсадларга хизмат қилиши мумкин:

- Далил ва кўрсатмалар тўплаш;
- Суд муҳкамаси материаллари билан танишиш;
- Тинтув ва ҳибсларни амалга ошириш;
- Буюмлар ва жойларни текшириш;
- Ахборот ва далилий ашёларни тақдим этиш;
- Тегисли ҳужжат ва материаллар, жумладан банк, молия, фирма ёки

тижорат ҳужжатларининг асл нусхалари ёки тасдиқланган кўчирмаларни тақдим этиш;

- Даромад, мулк, воситалар ва исботлаш мақсадларидаги бошқа буюмларни аниқлаш ҳамда белгилаш.

Давлат ҳуқуқ тартибот органлари Интерпол ММБга наркотик воситаларнинг ноқонуний айланиши тўғрисидаги сўровнома билан муурожаат қилишлари мумкин.

Қўйидаги ҳолларда наркотик воситаларнинг ноқонуний айланиши бўйича қўзғатилган жиноий ишлар тезкор қайд қилиш ишларига асос бўлади:

- Наркотик воситаларни давлат ҳудудига олиб киришга уриниш пайтида қўлга олинганда;

- Хорижий давлатлар орқали транзит билан олиб кирилганда;
- Хорижий давлатдан олиб кирилганда;
- олиб чиқиш учун мўлжалланганда;
- Жиноятга дахлдор шахсларнинг бирортаси бошқа давлат фуқораси бўлганда;

- Наркотик воситалар ишлаб чиқариладиган ёки қайта ишланадиган цехлар ва лабораториялар фош этилганда.

- Интерпол ММБси тамонидан наркотик воситаларнинг ноқонуний айланиши ҳақидаги ахборот алмашинувини тартибга солиш учун Бош қотибият томониданишлаб чиқилган сўровнома шакллари – “ST-хабарлар”, “ST-шакл” ва “ST2-шакл” қўлланади. (ST – французча Stupefiants, яъни наркотиклар сўзининг дастлабки икки ҳарфи).

Наркотик воситаларнинг ноқонуний айланиши ҳақидаги ахборот икки босқунда узатилади:

1. Наркотик воситалар аниқлангандан ёки мусодара қилангандан кейин уч кун ичида Интерпол ММБга “ST-хабар” юборилади.

Қўйидагилар мусодара этилган барча ҳолларда “ST-хабар” юборилади:

- 10 ва ундан ортиқ килограмм нашанинг барча шаклларида;
- 100 ёки ундан ортиқ грамм героин, қорадори, морфин ёки кокаин;
- психотроп моддалар ёки амфитаминнинг белгиланган шахсий истеъмол меъёридан ортиқ бўлган миқдори.

Сўровнома берилганда хорижий давлат полиция идоралари олдига қандай масалалар қўйилиши кераклиги аниқ кўрсатилиши шарт:

- шахсни жиний қайдномалар бўйича текшириш;
- шахсларни идентификациялаш;
- шахсларнинг қаердалигини аниқлаш;
- шахснинг тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлардаги иштироки

ҳақидаги маълумотларни юбориш.

2. Наркотик воситалар аниқлангандан ёки мусодара қилингандан кейин 30 кун ичида тергов давомида қўшимча ахборот олинган бўлса, икки қисмдан иборат бўлган “ST-шакл” юборилади.

Улар А қисм наркотик воситаларнинг ноқонуний айланмаси ва мусодара қилиниши ҳақидаги, В қисм эса наркотик воситаларнинг ноқонуний айланмаси ва мусодарасига дахлдор шахс ҳақидаги ахборотдан иборат бўлади. Наркотик воситаларнинг ноқонуний айланмаси бўйича жиний ишга икки ёки ундан ортиқ шахслар жалб қилинган бўлса, “ST-шакл” нинг В қисми ҳар бир шахс учун алоҳида тўлдирилади.¹

Ҳуқуқ – тартибот органлари Интерпол Бош котибияти ва Интерполнинг хорижий давлатлардаги ММБ дан наркотикларнинг ноқонуний айланмаси ҳақида қуйидаги ахборотларни олиши мумкин:

- Наркотик воситаларнинг ноқонуний айланмасига алоқадор жиний ишларга жалб қилинган шахслар ҳақида;
- Наркотик воситаларнинг ноқонуний айланмаси билан шуғулланадиган жиний уюшмалар ҳақида;
- Ноқонуний айланмада бўлган наркотик воситалар ёки психотроп моддаларнинг асосий турлари ҳақида;
- Наркотикларни мусодара қилиш ҳақида;
- Ноқонуний айланмада пайдо бўлган янги тур наркотиклар ҳақида;
- Наркотик воситаларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши, энг кўп тарқалган қadoқлаш усуллари, фош қилинган лабораториялар ҳақида;
- Ташиш каналлари ва яшириш усуллари ҳақида;
- Наркотик воситаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш муаммолари бўйича Интерпол доирасидаги халқаро анжуманлар, симпозиумлар, ишчи учрашувлар ва бошқа йиғилишлар материаллари;
- Наркотик воситаларнинг ноқонуний айланмаси тўғрисида Бош котибият томонидан тайёрланадиган даврий нашрлар;
- Статистика ва ҳуқуқий чора кўриш фаолиятининг шарҳи (наркотиклар мусодарасининг таҳлили, наркобизнесга қарши кураш йўналишлари, турли мамлакатларнинг ихтисослашган полиция хизматлари фаолияти ҳақидаги ахборот материаллари).

Барча маълумотларни Бош котибият “фақат полиция хизматчилари хизмат доирасида фойдаланиш учун” деган белги остида мунтазам нашр этиб боради. Олинган аудиовизуал материал мутахассисларни ўқитишда кўргазмали қўлланма сифатида фойдаланилади.

Интерпол ўз сафида 182 та аъзо – давлатларни бирлаштирганлиги боис, у бутун дунё бўйича наркосавдога таалуқли ахборотни таҳлил қилиш имкониятига эга. Бу эса бир неча мамлакатда олиб борилаётган жиний ишлар ўртасидаги боғлиқлиқни аниқлашда қўл келади.

Шуни ҳам эътиборга олиш кераки, Венада 1988 йил 19 декабрда қабул

қилинган БМТнинг "Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича Конвенцияси"да назарда тутилганидек, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги илтимосномалар ва бошқа хабарлар фавқулодда ҳолатлардагина Интерпол каналлари орқали узатилади.

Бугунги кунда бутун жаҳон ҳамжамиятининг олдида турган нарқобизнесга қарши курашиш муаммоси мустақил Ўзбекистон учун ҳам муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Биргина давлатимизга қўшни бўлган Афғонистоннинг ўзида дунёдаги наркотик моддаларнинг 75 фоизи етиштириляётганлиги нафақат Ўзбекистон халқига, балки бутун инсониятнинг ҳаётига таҳдид соляётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Интерполга аъзо бўлиб кириши республикамиз ҳуқуқ-тартибот идораларига хорижий ММБ ларнинг куч ва воситаларидан фойдаланиш ҳамда Бош қотибият ёрдамида наркотик моддаларнинг қонунга хилоф айланиши билан боғлиқ уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва тўхтатиш имконини бераяпти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А., Ўзбекистон XXI аср бусағасида..., Тошкент, 1997 йил
2. Каримов И. А., Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак., Тошкент, 2002 йил
3. Овчинский В. С., Интерпол., Инфра-М., 2001 йил
4. Мирзаев О., Интерпол., "ЗАР КАПАМ", Тошкент, 2006 йил
5. Самарин В. И., Интерпол., Питербург, 2004 йил
6. Мирзаирова С. З., Халқаро жиноятларга қарши курашда давлатларнинг халқаро ҳуқуқий ҳамкорлиги. Юрид.фан дисс., Тошкент, 2008 йил
7. Самарин В. И., Интерпол – международная организация уголовной полиции. М.: Питер. 2004 г
8. Родионов К. С., Интерпол: вчера, сегодня, завтра. – 3- сизд. М.: 1999 г

СЕРТИФИКАТ

подтверждает, что

Назиров Бахтиёр Сафарович

автор статьи:

**"НАРКОТИК ВОСИТАЛАР ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАР КОНТРАБАНДАСИГА ҚАРШИ КУРАШ
БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК"**

принял участие в XXVII Международной научной конференции
"Актуальные вызовы современной науки"
(26-27 июля 2018 г.)

глава оргкомитета,
канд. ист. наук, Олег Водяной



27.07.2018 г.
г. Переяслав-Хмельницький • Украина

КЛ2627158